

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 феврал
жума
Сотувда эркин нархда
№ 40 (2337)

БУГУН МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШ УЧУН

**изланиш,
яна бир бор изланиш,
интилиш,
ташаббускалик
ва
тадбиркорлик КЕРАК.**

ЖОНИ АЧИГАН ОДАМГИНА КУЙИНАДИ

— Президентимизнинг Сирдарёдаги нутқини эшитдингизми? — сўрайман ҳамсухбатим — Фузор туманидаги Навойи номи хўжаликнинг ташки бошқарувчиси Дамин Чоршанбиевдан.

— Йўқ. Кеча телевизор ишлай қолди.

— Ўртабшамиз бир гектар ердан нима учун 4-5 центнердан пахта олинаётганини куйиниб гапирдилар.

— Кўрмабмиз, — афсусланди у.

Дарвоқе, нега мен суҳбатдошимдан буларни сўраб-суриштирмайман?

Бу бесабаб эмас. 1999 йилда хўжалик санацияга тушди. Хўш, шундан кейин нима ўзгарди? 720 гектар майдондан 1600 тонна ўрнига 529 тонна пахта олинди. Хосилдорлик 22 центнер ўрнига 7,4 центнерни ташкил этди.

Шундай қилиб, хўжалик биргина пахтачиликнинг ўзидан 5,5 миллион сўм зарар кўрди.

— Нега?

Бу саволга ташки бошқарувчи бир қатор сабабларни рўқча қилди. Унинг айтишича, ер шўрлаб кетган. Чунки кейинги 7-8 йил давомида зовурлар умуман тозаланмаган. Электр энергияси таъминотида тез-тез узилиш бўлган. Шунинг учун сув чиқарилган насослар узлуksиз ишлаймаган. М-3 каналда сув тақчил бўлган. Чимқўрган сув омборидан мулукко сув олинмаган. 22 миллион куб литр ўрнига 14 миллион куб литр сув берилган. Боз устига, дўл ва жала 669 гектар галланинг бошогини юлиб кетган. 500 гектар майдонга чигит қайта экилди. Бу ҳақда Фузор об-хаво идорасининг маълумотимаси ҳам бор, ташки бошқарувчининг қўлида. Ҳамма майдонга чигит суви берилган. Шу боис ер кеч етилган...



да бола саломатлигини мустахкамлаш, тарбиясини тўғри ташкил этиш. Чунки айнан шу давр боланинг ақлан ва жисмонан шаклланишида энг катта аҳамиятга эга. Фарзандларимиз тафаккури таркиб топаётган пайтда уларга тўғри тарбия бериш, ҳаёт учун зарур билимларни олишига шароит туғдириш масаласи доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Йўлбошимиз эътиборни жалб қилган олтинчи йўналиш — ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни қучатириш, уларнинг жамиятнинг тулақонли аъзоларига айланиши учун шарт-шароит яратишдир. Чунки ҳар қандай миллат ва жамиятнинг маънавияти ҳам ногиронларга муносабат билан ҳам белгиланади.

Президент Ислам Каримов дастурда белгиланган чора-тадбирларни ҳаётга таъбиқ этишда жойлардаги масъул раҳбарларнинг жаобгарлигини ошириш, ҳалқимиз он-гда соғлом авлод тушунчасини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кеңроқ фойдаланиш даркорлигини таъкидлади. Зеро, соғлом авлод — барча эзгу мақсадларимиз шарт, миллатимиз келажакдир.

Маълумки, муҳожират эъланган масалалар юзасидан соғлиқ сақлаш вазири Ф.Назиров, соғлиқни сақлаш вазири П.Давлатов, Тошкент шаҳар Ахкам Иқромов туманидаги 10-туғуруқхона комплексининг бosh шифокори А.Любич, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий А.Баҳромов, "Наврўз" хайрия жамғармасининг раиси Д.Ёқубов сўзга чиқди.

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Президент Ислам Каримов ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга қаратилган кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди ва бу борада ҳукуматимизнинг махсус қарори асосида давлат дастури қабул қилинди.

24 феврал куни Оқсарой қароргоҳида «Соғлом авлод» давлат дастури-ни бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари «Соғлом авлод» давлат дастури-ни тайёрлаш жараёнида турли вазирилик, идора ва ташкилотлар, жамоат бинолари, илмий муассасалар, вакиллари қарийб икки ой давомида ҳамкорликчи иш олиб борганини айтди. Қабул қилинган дастурда ҳаётимизнинг барча жаҳалларида соғлом ва барқамол авлодни тарбиялашга йўналиштирилган чора-тадбирлар белгилаб берилган.

рилиши учун уларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриши, мавжуд имкониятларни сафарбар этиш ҳар бир раҳбарнинг муҳим инсоний бурчидир.

Мамлакатимиз Президенти дастури ижро этиш жараёнида бирламчи эътибор қаратилиши зарур бўлган устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб, аввало, балоғат ёшига етган қизларимизни мактабдаёқ оилавий ҳаётга психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш кераклигини қайд этди. Бунинг учун мактабларда махсус қўлланмалар асосида дарслар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, бутун ҳаётга ҳаётга алоқдор масаладир. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оилани дағдунга келди. Шу боис ёшлар ўртасида соғлом оила тушунчасини тарғиб этиш, улар саломатлигини,

бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Учинчи йўналиш — ҳомилдорлик ҳамда фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустахкамлаш ва сақлаш. Давлатимиз раҳбари бу борада Республика акушерлик ва гинекология институтини айтиб, виллоятларда институтнинг бўлимларини очиб тақлифини билдирди.

Маълумки, бир ёшгача бўлган давр чақалоқлар ҳаётида энг хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу даврда уларнинг саломатлиги, тарбияси махсус эътибор талаб қилинади. Ислам Каримов бу тўғрисида йўналиш бўйича масъул идораларни аниқ белгилаб олиш ва улар фаолиятини қатъий назорат қилиш кераклигини уқтирди.

Бешинчидан, бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган давр-

дир, бир-бирига тиббий ва жисмоний жиҳатдан мослигини ўргатиш катта аҳамият касб этади.

Учинчи йўналиш — ҳомилдорлик ҳамда фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустахкамлаш ва сақлаш. Давлатимиз раҳбари бу борада Республика акушерлик ва гинекология институтини айтиб, виллоятларда институтнинг бўлимларини очиб тақлифини билдирди.

Маълумки, бир ёшгача бўлган давр чақалоқлар ҳаётида энг хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу даврда уларнинг саломатлиги, тарбияси махсус эътибор талаб қилинади. Ислам Каримов бу тўғрисида йўналиш бўйича масъул идораларни аниқ белгилаб олиш ва улар фаолиятини қатъий назорат қилиш кераклигини уқтирди.

Бешинчидан, бир ёшдан беш-олти ёшгача бўлган давр-

Олий Мажлис қўмитасида ҲАЁТ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТАДИ

Кеча Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг йилги ишчи бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борди.

Ҳаёт шиддат билан ўзгармоқда. Мамлакатимизнинг, айниқса, спорт соҳасида эришяётган

ютуқлари таҳсинга лойиқ. Бу борада кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарининг қатор фармонлари, ҳукумат қарорлари амалга таъбиқ этилди. 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Булар ҳаммаси, табиики, амалдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонунга жиддий ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда. Маърузанинг янги таҳририни тайёрлашга кири-

ТАДБИРКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ТЎСИКЛАР ОЛИБ ТАШЛАНСИН

Мажлис ишчи гуруҳи раиси Кенгаш ўнган йўналишдаги фаолиятини таъкидлади. Шунингдек, Вазиirlar Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралда қабул қилган қишлоқ ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ишчи фаолиятини тўғри қарордан келиб чиққан вақтларда қўллашга алоқдорлигини таъкидлади.

Мажлисда ҳудудий кенгашлар жойларда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга тўққунлиқ қилишни сабабларни

етарлича ўрганишни таъкидлади. Тадбиркорликни ривожлантиришга ҳожат қилиш лозим бўлган бир қанча тўққунлиқларнинг ҳам аниқ шундай баҳо беришди. Шунингдек, бу соҳадаги муаммолар барча виллоятларда иқтисодий ислохотларнинг боришига бағлишлб ўтказилган семинарларда яқин келажикда бўлиши қайд этилди.

Шу муносабат билан янги таркибда Кенгашнинг дастлабки вазифаси мамлакатда тадбиркорлик ривожига тўққунлиқ қўлга келтириш ва тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича тақлифлар тайёрлашдан иборат, деб белгиланди. Кенгаш таркибидан ташкил этилган

Туну қуни бозорга тушгандини. Ҳуш растасига кириваришда катта юк машинаси атрофида уч-тўрт чоғли киши ўралашиб турган экан. Қизиқсиниб қарадим. Қашқадарёдан Ғишт олиб келишибди. Эй хайрат, бирини учга пуллайдиган қасбдорларга бормай, харидни шу ерда қилаётган дедим-да, Ғиштнинг нарҳини сўрадим. Назаримда, баландроқ айтди.

— Биродар, ҳар ҳолда, қасбдорга ўшамайсиз, бироз инсоф қилинг, — дедим.

— Фермерман, ақа, фермер, — дедим у. — Бу молларни ўзим етиштирганман. Очқинини айтсам, нарҳига ўзим ҳам ҳижолат бўлганман. Қани энди, бемалол келтирсам-да, арзон-гаров сотиб, сизларнинг кўнглингизни олсам. Тошкентга келгунча камидан ўн жойда тўхтади. Ҳуш постда турган меласаларга қуригидан узатмагунингизча сизни силкиштирмайди. Бозорга келсанг, сизга рўқса қараш керак, уларнинг ҳам кўнглини топмассанг, ишимиз юришмайди. Қандай қилайлик?..

Қизик, худди шундай жавобни Ёшнинг авжи пишчилик кезларида Тошкентга қовун-тарвуз келтирган жиҳазчилик дехқондан ҳам эшитгандим...

Истаган тадбиркор билан — у фермерми ёки дукдорини, кичик қоржонга эгами, сукубатлашсангиз, худди шу каби даради-хасратини эшитасиз. Яшириб нима қиламанг, бирор жойга ишчигиз тушса, қўлингизга қарайдиганлар бор. Ун беш-йигирма дақиқада битиб кетадиган ишга ҳафталаб сарсон қуладиганлар, афсуски, кам эмас. Бу шунчаки икки кишининг ўртасида бўлаётган муомала бўлса, ҳа, энди барча ба-робар эмас, деб қўл силтаб кетса бўларди. Таъма деган лаянати маънавий камолотимизгагина эмас, балки иқтисодий тараққийимизга ҳам тўғноқ бўла-япти.

Бу ҳақда қўлдан бери гапирилиб келинган. Матбуотда, телевидениеда, радиода айтиляпти, катта-катта йиғинларда маъруза масала қайта-қайта жуда кес-

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Вазиirlar Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Президентимиз иқтисодиётни эркинлаштириш ва шу йўл билан тараққийотиш оқимларини таъин ҳам идраклаштириш учун тинмай жон куйдирмоқда. Олий Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган

улоқтириб ташлалик, мавжуд қонунларимизни муҳаддас билиб, ундан четга чиқувчиларга қарши бор овозимиз ила ҳар солайлик.

Бунга қараган, таъмагирилик балоси маънавият соҳасига ўта бошлады. Бу жуда хавфли, жамоатчиликни ташвишга соладиган ҳолат. Сурхондарё виллоят халқ таълими бошқармасининг раҳбари Б. Мирзаев оромгоҳ директори Н. Са-

ТАРАҚҚИЁТ ТЎҒАНОФИ

риш илчилдаги қушқонга сиғмайди-ган ноқия хатти-ҳаракатлари, баъзан эса давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг қаршилиги эл хизматида бел болаганларнинг ҳафсаласини пир қилаяпти. Утган йили кичик ва ўрта бизнес субъектлари сон-и республикада қўлайлиш ўрнига 6 фоизга қайта қатнаганини юқоридаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин, ҳолос. Бу қўрсаткич Қоржақалпоқистон Республикасида 41,1 фоизни, Самарқанд виллоятда 32,3 фоизни, Навоийда 26 фоизни, Тошкент шаҳрида эса 25 фоизни ташкил этган.

Ажаблანарли яна бир ҳолат юз бермоқдаки, бунинг алоҳида таъкидламоқ даркор. Ҳукуматимиз тадбиркорликни янада ривожлантириш учун барча шароитларни, шу жумладан, зарур ҳуқуқий асосларни яратиб бермоқда. Худди шундай ҳолатда вазириликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳукумат қарорларини ҳисобга олмасдан тузилган мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ана шу ноқия ишларга чек қўядиган кичик ва ўрта бизнес қоржонларининг ҳисобланган рўқсатини қисқарттириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

сессиясида, Идораларро мувофиқлаш-тирувчи кенгаш йиғилишида, республика Вазиirlar Маҳкамасининг мажлисида бу ҳақда қўл ва хўп гап бўлди. «Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиғи сўнишига — деб таъкидлади Ислам Каримов, — аввало, маъмурий раққат, текширувчи ва назорат қиливчи органларнинг таъмагирилик, порақўрлуғи, ишбилармонларни устидан жинсий иш қўзғатаман, деб қўрқитиш, зўравонлик қилиш асосий сабаб бўлмақда.

Аниқланган ҳар бир гайрикўноқий бундай хатти-ҳаракат фақулдода ҳодиса сифатида баҳолангани ва жиддий қўриб чиқилиши керак.

Миллатимиз ва юртимиз обрў-эътиборини, шон-шаъватини оширишга қаратилган бу қўрсаткичларни фақат тегишли ташкилотлар шуғуллансин, деб қараб турмасдан ҳар бир фуқаро ўзига бериб қўйилган ҳуқуқларга таъинган ҳолда, Ватан манфаатларини қўлаб ҳолоқ, худ-бу ва гарағуғи қимсаларга қарши курашинсин. Шу мақсад йўлида бирлашай-лик, бир-биримизни қўлаб-қувватлай-лик. Томошабин бўлиб ўтириш, ўша но-қия кимсалар йўриғига қўриш — ётар эдинг. Ахир шу овоз юртинг эғларни ўзимиз бўлган, ундаги ҳолат ва муҳитга

датовдан ҳар бир дам олиш мавсуми учун озиқ-овқатларга пул ўтказиб бери-шига олдиндан 10 фоиз пул талаб қил-ган. Ҳар мавсум учун 30 миғ сўлдан порал орсан. Катта арава қай йўлдан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан кетади, деган гап бор халқимизда. Шу виллоят-даги баъзи туман халқ таълими бўли-мидегилар ҳам фарзандларимиз билим олиши учун давлатимиз томонидан ажратилган маблағларни талон-тороҳ қил-ганлар.

«Мен дунёни кезиб, бундай одамлардан кўра эғият нуга ва эғу хулқли киши-ларни кўрмадим... Уларга тоъбей киши-ларда адолат расми шундай ривожлан-ганки, уларнинг лашкароғуларни, хона-ларда олтин ва қумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эғаси топиламангунча ҳеч қим бу пулларга теғмайди.»

Ушбу сатрлар XIII асрда яшаб ўтган араб сайёҳи Ибн Батуттининг «Сафар-нома» китобидан олинган. Бизнинг ав-лодаримиз ана шундай хулқ-ағворга эға бўлишган, уларнинг поклик ва ҳалолли-ғига, ғўзал одоби ва фазилатларига чет-дан келганлар ҳавас ва ҳайрат билан қарашган. Утмишда халқимизнинг маъ-навий барқамоллиғи, эғу хулқи, ўзаро меҳру муҳаббатни, саховати шу даража-да юксак бўлган. Биз ана шундай тенг-

Исмомил СУЛАЙМОНОВ.

БОҚИЙ МЕРОС ТАДҚИҚОТЧИСИ

Биз — ўзбекистонликлар, том маънода икболи баланд халқимиз. Хар қанча фахрлансак, ифтидор этсак, гурунлансак арзийдиган буюк тарихимиз, бой ва кўхна маданий-маънавий меросимиз бор. Бундай бетақорр ва турфа хил мерос, эҳтимом, дунёдаги бошқа ҳеч бир халқда йўқдир.

Буюк алломаларимиз — имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Жорудлоҳ аз-Замахшарий, Муслим ибн ал-Хажжож, Нажмиддин Умар ан-Насофий, Абу ал-Муъийн ан-Насофий, имом ад-Дориний, имом Абу Мансур ал-Мотурий, Соҳибқирон Амир Темуз ҳазратларини жумлан жажон танийди. Бахтимизга улар қолдирган буюк мерос мазийдан бизгача етиб келган. Лекин ана шу «етиб келиш» жараёнидаги мошакқатларни барчамиз ҳам яхши биламизми, ҳис этамизми? Гарчи мен бу ҳақда анча-мунча тасаввурга эга бўлсам-да, батафсил билмас экман. Мен бундай фикрга финология фанлари номзоди, шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг ижодий фаолияти билан экиндан хабардор бўлганимдан сўнггина келдим.

Убайдулла ака теран фикр-мушоҳадали, сермаҳсул ва энг муҳими, изланишдан қарчамай-диган, эринмайдиган олим. Қачон қараманг, ўзи хизмат қилаётган халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасидаги хонасида китобларга кўмилиб, мук тушиб ўқиб ўтиради. Уша пайтда телефонда ўзини йўқлаган ошна-оғайнчилари, таниш-билишларига фалон китобдан зўр фикр топдим, сиз ҳам эшитинг-чи, деганча ўқиб беради. Қасбдошлари кўпинча шундай улкан одамани (улар унинг билими билан бирга буйбастини ҳам назарда тутишди) китоблар ичидан топиб олиш осон иш эмас, дея ҳазиллашади.

Олим, асосан, араб тилида ёзилган асарларни ўқийди, таржима қилади, мақола ва китоб ҳолида чоп эттиради. Кўхна меросимизнинг бизгача етиб келишидаги бор машаққати ҳам ана шунда. Замона зайли билан буюк зотлар — бобоқалонларимиз ўз асарларини араб тилида битташлар. У.Уватов мазкур бой меросимизни араб тилидан ўзбекчага ўғриб, кенг қўламда шарҳлаб, уларни илмий изоҳлар билан кенг халқ оммасига етказишдек захматни топиб келаетганлардан бири. Бунинг биринчи шартти манбашунос-матншунос (шарҳ тилларини, хусусан, таржима мукамал ағалларга) бўлмоқликдир. Бундан бир неча асрлар бурун ёзилиб, саҳифалари титилиб, хатлари ўчиб кетган кўлёмалар устида йиллаш ишлаш, уларни ўқиш, таржима қилиш катта билим, юксак малака ва маҳорат, улкан тинимсиз меҳнат-машаққат талаб этади. Мана шунларга амал қилган ва чидаган тадқиқотчигина минг йиллар нарида яратилган кўлёмаларни тилга киритиб, уларнинг асл мазмун-моҳияти-

Эҳтиром

нашри, қатор алломалар ҳақидаги рисо-лалари ва тадқиқотлари асл манбаларга таяниб ёзилган ишончли асарлар сифатида олим ижодини беэза турибди.

Утган йили Тунис Республикасида бўлиб ўтган халқаро анжуманда қатнашган олим Тошкентда, шахсий коллекциялардан бирида сақланган, Амир Темуз ҳазратлари сиймоси туширилган гилам ҳақида маъруза қилди. Америкалик профессор Фан Фрейк хонининг айтишича, айнан шу гиламнинг бошқа бир нусхаси Лос-Анжелосдаги музейлардан бирида сақланган экан. Буни эшитган Убайдулла аканинг тинчи йўқолди. Нима қилсаю Америкага бориб, гиламни бир кўриб келса.

Иордания пойтахти Аммонда бўлганида эса шаҳарнинг эски қисмида жойлашган «Суқ ал-бухорийийн» («Ал-Бухорийийн бозори») китоб дўконларидан бирида жавонларга қалаб ташланган сон-саноксиз китоблар орасида юртдошимиз, хоразмлик буюк аллома Абу-л-Қосим Махмуд Замахшарийнинг «Китоб ал-амкина ва-л-жибол ва-л-мийох» («Жойлар, тоғлар ва сувлар ҳақида китоб») номли географик тарздаги асарининг янги, 1999 йилги нашрини кўриб, қувониб кетди. Машҳур араб қомусий олими Ёкут ал-

Хамавий аз-Замахшарийнинг ушбу китобига юқори баҳо бериб, ундан ўз асарининг 64 ўрнида бевосита фойдаланган. Уша китоб магазинига бошқалар ҳам кирган, лекин ўша китобни кўрмаган, кўрса ҳам эътибор бермаган бўлиши мумкин. У эса китобни энг ноёб соғва ўрнида ўзбекистонга олиб келди. Беихтиёр ижодкор (олим, ёзувчи, шоир)нинг бошқалар кўра олмай-диган нарсаларни кўра оладиган учинчи кўзи бўлади, деган гапни эслаймэн. Бўлса бордир. Хар ҳолда, ижодкорда бошқаларга нисбатан тезроқ кўра олиш қобилияти мавжуд. 1998 йил кузида Самарқанд вилоятининг Челақ туманидаги имом ал-Бухорий масжид мажмуи очилишига дунёнинг қатор мамлакатларидан меҳмонлар ташриф буюришди. Ҳамма шод-хуррам. Дарвозадан ичкарига кириб бораётган олим мармар тахтачадаги ёзувни ўқийди-ю... нафас ичига тушиб, музлаб кетади. Чунки унда «имом ал-Бухорий» исми ўрнига «Исмоил Бухорий» деб отасининг исми шарифи ёзилган экан. Чет эллик меҳмонлар билан суҳбатлар, ўрашувлар чоғида туман ҳокимларидан бирининг имом ал-Бухорийни Исмоил Бухорий деб аташи ундан ҳам ошиб тушади. Хайриятки, меҳмонлардан кўпчилигининг ўзбек тилини билмаслиги жонга оро кирибди. Кейинчалик олим елиб-югуриб, тахтачадаги ёзувни тўғрилади. Лекин ҳозиргача ўша воқеадан уялиб юради.

Узининг 60 йиллик умридан 40 йиллини игна билан қудуқ қазишдек машаққатли соҳага бахшида этган Убайдулла Уватовнинг фикрича, маърифат ва маънавиятни юксак даражага кўтармасдан туриб, ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди. Зеро, у бугун жонжон ўзбекистонимизда қарор топаётган ижтимоий адолат, айниқса, мустақиллигимиз шарофати билан ҳаётбахш илдири узоқ ўтмишга бориб тақалади-диган бой маданий меросимиз, маънавий қадриятларимизни ўрганиш ва тиклаш, ушбу бебаҳо бойликлардан халқни баҳраманд қилиш, уларни мустақил Ватанимизга хизмат қиладиган маънавий қомил инсонлар тарбиялашга йўналтиришдек шарафли мақсад билан яшамоқда.

Гулчехра Йўлдошева, «Жалқ сўзи» муҳбири.



ПОКИЗАЛИК ПОСБОНЛАРИ

«Тозалик — соғлиқ гарови», — деб бекорга айтмаган донишмандлар. Тозалик, покизалик бор жойдан хар қандай дард ҳам чекинади. Самарқанд шаҳри Темурийа тумани прокуратураси, туман ички ишлар бўлими ва санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари ҳам бу борада қатор ибратли ишлари амалга оширишмоқда. Улар тумандаги 94 та саноят корхонаси, 20 та мактаб, 89 та болалар ва ўсмирлар муассасалари, 72 та коммунал маиший ишюотларда текширув ишларини ўтказдилар. Натижада, муассасалардаги айри раҳбарларнинг лоқайдликлари туфайли 202 та корхонанинг иш фаолияти тўхтатилиди. Тозалик, саранжом-саршталликка бепарво қараган ташкилотларга жарима солинди.

Шунингдек, айни пайтда, туманда «Бактериология» текширув маркази ҳам ишлаб турибди. Бу ерда СЭМ ходимлари учун тиббий асбоблар ва зарур шарт-шароитлар мавжуд. Улар бугунги кунда мамлакатимизнинг тури бurchақларидан кириб келаетган зарари касалликлар олдини олишда, инсон саломатлици хавфсизлигини таъминлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

СУРАТДА: (ўнгдан) туман СЭМ врачи Гули Аҳмедова «Бактериология» маркази врач Гўли Иброҳимова билан.

Тоҳир НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сураат.

НАВОИЙ КУНДА КЕРАК

Навоийхонлик кечалари халқимиз маънавиятини бо-йитишда муҳим ўрин тутмоқда. Камолиддин Бехзод номли миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари тайёрлаган навоийхонлик кечасида бобоқалонимиз Алишер Навоийнинг меъморчилик соҳасидаги хизматлари, тарихий ёдгорликларни таъмирлашга, бинокорлик санъати билан боғлиқ ишларга алоҳида эътибор қаратганини, Камолиддин Бехзоднинг Навоий хомийлигида буюк рассом даражасига кўтарилганини тўғрисида кизгин фикр алмашув бўлиб ўтди. Талабалар Навоий газалларини кироят билан ёддан ўқийди, уларга бастанган куй-қўшиқлар, жозибали рақсларни ижро этишди. Шоирнинг ҳаёти ва ижодини ақс эттирувчи саҳна кўринишлари ирилганларга маъқул бўлди.

Фотима АБДУҚАҲОР қизи, талаба.

БОЛА БОШИДАН...

Яшашдан мақсад нима? Бу — одам зотини неча замонлардан буён огир-огир ўйларга толдириб келаетган сўроқлардан бири. Яшашдан мақсад умр давомичиси — фарзанд қолдиришдир. Лекин қолдирганда ҳам имонли, эътиқодли, инсофу тавфиқли фарзанд қолдиришдир.

Бир кунги бекатда автобус кўтиб туриб қолдим. Шу ерда беш-олтита аёл майда-чуйда сотиб ўтирарди. Уларнинг ёнгинасида озиқ-овқат магазини. Етти ёшлар чамасидаги бола югуриб кириб пештахтадан иккита конфет олиб келди. Буни сотувчи сезмади. Аёллардан бири: «Кўриб қолса, ўласан», — дедию ўз иши билан банд бўлди.

Қузатиб турибман: боғи бола қисқа вақт орасида ичкарига уч қарра кириб чикди. Аёллар эса қулиб қўя қолишди. Инсон борки, фарзандининг бахтини ўйлаб, туну кун ҳаловат нималигини билмайди. Уғил-қизларининг дард чекиши қайси ота-онани изтиробга солмайди, дейсиз? Лекин ҳозирдан шу ишни қилаётган фарзанддан катта бўлганда нима кутиш мумкин? Бола-чака боқман деб маънавиятни, тарбияни унутиб қўймаслигимиз керак.

Сабрим чидамай аёлларга шу мулоҳазаларимни айтдим. Гапирдимю, лекин юрагимнинг озор тоғгани қолди. Уч-тўртта конфет олгани билан магазиндаги нарсалар камайиб қолмасмиш.

Рўзгор тебратамиз, пул толамиз, деб тарбияни унутиб қўймасликмики? Шу вақтданки эгриқўлликка юз тутган бола, вақти келиб биронга, жамиятга фойда келтирадими?... Шунги айтиладилар-да: «Бола — бошидан, одоб — ёшидан» деб. Сиз бунга нима дейсиз?

НАВБАТДА ТУРИШ ҚИЙИНМИ?

Халқимизда бир нақл бор: «Кўш уясиде кўрганини қилади». Поликлиникада шифокор хузурига кириш учун навбатда турибман. Мендан ташқари яна 10-15 нафар киши тизилиб ўтирибди. Башангити кийинган қирқ ёшлар чамасидаги аёл ц 2-дам кириб келди-да, навбатдагилардан сўраш йўқ, исташ йўқ, эшикни шарт очиб, шифокор хузурига кириб кетди. Унинг ўн тўрт ёшлар чамасидаги қизи бор эди. У ҳам навбатдагиларга гердайганча қулимсираб қараб турарди. Ун беш дақиқадан сўнг ҳалиги аёл ичкаридан чиқиб, қизини ҳам олиб кириб кетди. Навбатда ёш, урта ёш, нуроний қариялар ҳам бор эди. Бири у, деди, бири — бу. Баъзилари эса афсус билан бошларини сарак-сарак қилганларича қолаверибди. Мен эса ўйга толдим. Шундай муҳитда ўсган бола қандай қилиб соғлом, маънавияти юксак инсон бўлиб етишади? Бу ҳақда бугун ўйламасак, эртага кеч бўлади-ку...

Мулоҳаза

Масъуда ЁҚУБОВА.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

8 Март ва Наврўз байрамлари арафасида Ўзбекистоннинг барча аҳолиси учун яна қуйидаги қўйилмаларни таклиф этади:

- "8 Март" қўйилмаси — маблағлар йилига 100% даромад тўлаш шарти билан 1 мартдан 7 мартгача (10 кунлик муддатга) қабул қилинади.
- "Наврўз" қўйилмаси — маблағлар йилига 70% даромад тўлаш шарти билан 9 мартдан 20 мартгача (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.

айни пайтда миллий валютадаги қуйидаги қўйилмалар бўйича фоиз ставкалари оширилишини маълум қилади:

- "Сўм карточкаси" қўйилмаси - йилига 36%, талаб қилиб олинмаган фоизларни капиталлаштириш натижасида даромад йилига 42,6%ни ташкил этади.
- "Таътил" қўйилмаси (3 ой муддатга, талаб қилиб олинмаган ҳисобварақлар бўйича шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади) - йилига 33%, талаб қилиб олинмаган фоизларни капиталлаштириш натижасида даромад йилига 38,5%ни ташкил этади.

Шунингдек, қуйидаги турдаги муддатли қўйилмаларни таклиф этади:

- "Оқсоқол", "Меҳрибон она" (1 йил муддатга) - йилига 25%,
 - "Тўёна" (2 йил муддатга) - йилига 30%,
 - "Сарпо" (3 йил муддатга) - йилига 31%,
 - "Келажак" (камида 5 йил муддатга) - йилига 36%
- (МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича),
- "Муддатли" (5 йил муддатга) - йилига 40%.

2000 йилнинг 1 апрелида "Нисо" қўйилмасининг амал қилиш муддати тугайди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки — сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафолатдир.

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг истаган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.



«ЖАЛҚ СҰЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббасхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Жалқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жаборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шогудомов, О. Қанпбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 106. 27017 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерлаш терлиди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жанна ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тахририятда ҳафта 5 қоғоздан энг материаллар қабул қилинади.

«Шарқ» нашрийт-мағбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 22.20 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ж. Садуллоев.
Навбатчи — А. Хайдаров.
Муасхих — О. Абдузимов.